


Институт талабаси «МДҲНИНГ ЭНГ ЁШ ОЛИМИ-2020» халқаро танловида ғалаба қозонди

Нукус давлат педагогика институти туркий тиллар факултети З-босқич талабаси Ихтиёрбек Норов Қозоғистоннинг Нурсултон шаҳрида ўтказилган «МДҲНИНГ ЭНГ ЁШ ОЛИМИ-2020» халқаро танловида 14 мамлакат ичидан «Филология фанлари» йўналиши бўйича иштирок этиб, фахрли I ўринни эгаллади.
(<https://t.me/nmpri1934/9162>)



Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади МДҲ давлатларининг олий таълим муассасалари талabalарини қўллаб-қувватлаш, илм-фан, техника ривожланишига ҳисса қўшаётган ёшларни аниқлаб, уларни муносиб рағбатлантириш ҳисобланади.



Танлов натижаларига кўра, Ихтиёрбек Норов илмий ишлари, қўлга киритган ютуқлари ва танлов давомидаги саралаш жараёнлари ҳисобга олинган ҳолда I ўринга муносиб деб топилди ва «МДҲНИНГ ЭНГ ЁШ ОЛИМИ-2020» ёзуви туширилган кўкрак нишони ва I даражали диплом билан тақдирланди.

Ёшлар ишлари агентлиги матбуот хизмати